Тошкент шаҳар ҳокимининг
2016 йил «_12_» ___июль___ даги
124/15-5 - сонли қарорига 2-Илова

# Олмазор тумани

## “Ахил” маҳалласи чегараси тавсифи

Тошкент халқа автомобиль йўлидан Тошкент шаҳрининг маъмурий чегараси бўйлаб Узумбоғ 9-тор кўчасигача, Узумбоғ 9-тор кўчаси бўйлаб Чуқурсой кўчасигача, Чуқурсой кўчасидан Шифокор кўчаси бўйлаб чап томонидан Қизғалдоқ кўчасигача, Қизғалдоқ кўчасининг чап томони бўйлаб Шифокор кўчасигача, Шифокор кўчаси бўйлаб Юнусобод тумани чегарасигача (темир йўл билан чегараланади), Юнусобод тумани чегараси (темир йўли) бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўлидан Келес йўли кўчаси кўпригигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Гулзор” маҳалласи чегараси тавсифи

Норазтепа ва Қорасарой кўчалари кесишувидан Норазтепа кўчаси бўйлаб Норазтепа 4-берк кўчасигача, Норазтепа 4-берк кўчаси бўйлаб Сағбон Оқтепа кўчасигача, Сағбон Оқтепа кўчаси бўйлаб ўнг томонга Сағбон Оқтепа 4-кўчасигача ва Мойқўрғон ариғи бўйлаб Шифокор кўчасигача, Шифокор кўчаси бўйлаб Қизғалдоқ кўчасигача, Қизғалдоқ кўчаси бўйлаб Чуқурсой кўчасигача, Чуқурсой кўчаси бўйлаб Қорасарой ва Норазтепа кўчалари кесишувигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Иброҳим ота” маҳалласи чегараси тавсифи

Иброҳим ота ва Чуқурсой кўчалари кесишувидан Чуқурсой кўчаси бўйлаб Чуқурсой станциясигача, станция оралаб ўнг томондан Юнусобод тумани чегаралари бўйлаб, Широқ кўчасигача, Широқ кўчаси 104-уйда жойлашган “Bayteks Ticaret” қўшма корхонасининг орқа томони бўйлаб Гулсарой кўчасигача, Гулсарой кўчаси бўйлаб Қорасарой кўчасигача ҳамда Қорасарой кўчасидан ўнг томонга Чуқурсой ва Иброҳим ота кўчалари кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

“Мискин” маҳалласи чегараси тавсифи

Уста Ширин ва Қорасарой кўчалари кесишувидан Қорасарой кўчаси бўйлаб Гулсарой кўчасигача, Гулсарой кўчасидан ўнг томон бўйлаб “Bayteks Ticaret” қўшма корхонасининг орқа томонидан Широқ кўчасигача, Широқ кўчасидан Юнусобод тумани чегаралари бўйлаб Аҳмад Дониш кўчасигача, Аҳмад Дониш кўчасидан Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчасидан чап томон бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчасигача, Тахтапул Дарвоза кўчасидан ўнг томонга Тошкент халқа автомобиль йўли кўчаси бўйлаб Янги Олмазор кўчаси 57-уйда жойлашган 3-сонли автобус саройининг чап томонидан ўтиб янги Олмазор кўчасигача, шу томон бўйлаб “Ғойиб Ота” қабристони орқа томони бўйлаб Уста ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчасидан чап томон бўйлаб Қорасарой кўчаси билан кесишган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Чилтўғон” маҳалласи чегараси тавсифи

Нурафшон ва Себзор кўчалари кесишган жойдан Нурафшон кўчаси бўйлаб ўнг томонга Қичқириқ каналигача, Канал бўйлаб Кичик халқа йўли кўчасигача, Тошкент халқа автомобиль йўлидан ўнг томон бўйлаб Тахтапул Дарвоза кўчаси билан кесишган чорраҳагача, Тахтапул Дарвоза кўчаси бўйлаб Нурафшон кўчаси билан туташган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Хончорбоғ” маҳалласи чегараси тавсифи

Нодира кўчаси 19-уйда жойлашган 119 ва 36-сонли мактаблар олдидан Нурафшон кўчаси бўйлаб Калқавуз каналигача, Калқавуз каналининг ўнг томони билан Чувалачи кўчасигача, бу кўчадан Нурафшон кўчасигача, Нурафшон кўчасини кесиб ўтиб, Тешикқопқа кўчасигача, Тешикқопқа кўчасидан, Шимолий Олмазорда жойлашган “Тешикқопқа” қабристонининг орқа томонидан Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасигача, Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасидан ўнг томонга Шимолий Олмазор чорраҳасигача ҳамда Қичқириқ канали бўйлаб Нодира кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

“Намуна” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорасарой ва Абдулла Қодирий кўчаси кесишган жойдан Қорасарой кўчаси бўйлаб Зарқайнар кўчаси 175-уйда жойлашган 19-сонли оилавий поликлиникагача, 19-сонли оилавий поликлиника ҳудуди бўйлаб ён томонидан кичик кўча бўйлаб Калкавуз каналигача, Калкавуз канали бўйлаб Нурафшон кўчасигача, Нурафшон кўчасидан чап томонга Шимолий Олмазор кўчасидан қисман ўтиб ўнг томонга Нодира кичик кўчасигача, Нодира кўчаси ўнг томони билан айланиб Нурафшон кўчасини кесиб ўтиб, Себзор даҳасининг орқа томонлари бўйлаб Қорасарой кўчасига бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Юқори Себзор” маҳалласи чегараси тавсифи

Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 146-сонли мактабни ўз ичига олган ҳолда орқа томони бўйлаб Нурафшон кўчасигача, Нурафшон кўчасидан ўнг томон бўйлаб Себзор кўчасигача, Себзор кўчаси бўйлаб 34-кўп қаватли турар-жой биноси ёнигача, 34-кўп қаватли турар-жой биноси ёнидан бошлаб ўнг томон билан 35а, 35б-уйларни қамраб олган ҳолда ён томонидан ва Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 269-сонли мактабгача таълим муассасаси ён томони бўйлаб Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 146-мактабнинг ҳудуди билан чегараланади.

“Себзор” маҳалласи чегараси тавсифи

Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 240-АТСни ўз ичига олган ҳолда Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 22-сонли ўрта таълим мактаби ҳудудидининг орқа томонигача, Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 22-сонли ўрта таълим мактабини ўз ичига олган ҳолда автотураргоҳ бўйлаб Себзор марказ 17/18-даҳасида жойлашган 28-сонли мактабгача таълим муассасаси бурчагигача, бу жойдан чапга кўп қаватли 32-уй бўйлаб 33-уйгача, 33-уйнинг орқа томони бўлаб 45-уйгача, бу жойдан чап томонга Себзор даҳаси 271а-уй манзилидаги Марказий кўп тармоқли поликлиниканинг ёни бўйлаб Себзор кўчасига, ўнг томонга қисман Себзор кўчаси бўйлаб, кўп қаватли 4 ва 45-уйлар орасигача, 4 ва 45-уйлар оралиғи

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

бўйлаб 21-уйгача, 21-уйдан 20-уй орқа томони бўйлаб, 240-АТС чегарасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янги Себзор” маҳалласи чегараси тавсифи

Себзор ва Абдулла Қодирий кўчаси кесишган жойдан Абулла Қодирий кўчаси бўйлаб Қорасарой кўчаси бошланиш қисмигача, бу жойдан ўнг томонга кўп қаватли 13-уйни ўз ичига олган ҳолда орқа томони бўйлаб 8-уй ёнигача, 8-уй ёнидан чапга Себзор даҳаси, 20-уй манзилидаги “Себзор Насос станцияси” ва Себзор даҳасидаги 190-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига олган ҳолда ўнг томон бўйлаб 4-уйгача, 4-уйни ўз ичига олган ҳолда Себзор кўчасигача, Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Хастимом” маҳалласи чегараси тавсифи

Абдулла Қодирий номидаги Истироҳат боғининг ўртасидан, Зарқайнар кўчаси бўйлаб Салом масжидигача, Салом масжидидан Зарқайнар кўчаси бўйлаб Зарқайнар кўчаси 85-уйда жойлашган 20-сонли мактабгача таълим муассасаси ёни бўйлаб Зарқайнар кўчаси 85-уйда жойлашган “Барак Хон” мадрасасигача, мадраса ва Қорасарой кўчаси 49-уйда жойлашган “Хазрати Имом Масжиди” орқа томони бўйлаб Қорасарой кўчасигача, Қорасарой кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасигача, Абдулла Қодирий кўчаси бўйлаб Себзор кўчаси чорраҳасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Хофиз Кўхакий” маҳалласи чегараси тавсифи

Абдулла Қодирий кўчасининг Зарқайнар кўчаси 1-уй манзилидаги Модалар уйи галереяси олдидан бошланиб Фаробий ва Сағбон кўчалари кесишган жойгача, бу жойдан Сағбон кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Сағбон 10-берк кўчасигача, Сағбон 10-берк кўчасидан “Қўштут” тўйхонасигача Сағбон 10-берк кўчасидан Олча 3-берк кўчасигача, Олча 3-берк кўчасидан ўнг томонга Улуғбек кўчаси бўйлаб Зарқайнар 2-берк кўчаси 2-уй манзилидаги “Охун гузар” масжиди ёни билан Зарқайнар кўчасигача, Зарқайнар кўчаси бўйлаб ўнг томонга Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

## “Абу Бакр Шоший” маҳалласи чегараси тавсифи

Сағбон кўчасида жойлашган “Қўштут” тўйхонаси ва Сағбон кўчаси 82-уй ўнг томонидан бошланиб 142-уйгача, Сағбон ва Олча кўчаси бўйлаб жуфт 4-уйдан 52-уйгача, тоқ уйлар 3-уйдан 63а-уйгача, Абубакр Шоший 2, 3, 4-берк кўчалари “Баракхон” мадрасаси ўнг томони 5-берк кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Қорасарой” маҳалласи чегараси тавсифи

Зарқайнар кўчаси 175-уй ҳамда 19-сонли оилавий поликлиникаси ёнидан бошланиб Қорасарой кўчаси бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўлидан ўнг томонга Шимолий Олмазор кўчасидаги “Тешикқопқа” қабристони бўйлаб Шимолий Олмазор кўчаси 1-уй 271-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 271-сонли мактабгача таълим муассасасидан Қорасарой кўчаси 44-уй 67-сонли мактабгача таълим муассасаси бўйлаб Тешикқопқа кўчасигача, Тешикқопқа кўчасидан Чувалачи кўчасигача, Чувалачи кўчасидан Калкавуз канали бўйигача, канал бўйлаб ўнг томонга Қорасарой кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Ҳазрати Имом” маҳалласи чегараси тавсифи

Қўштут кўчаси бўйлаб Ев (Исматиллахожи) масжидигача, Ев (Исматиллахожи) масжидидан Тарих кўчаси бўйлаб 199-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 199-сонли мактабгача таълим муассасасидан чап томон билан Тарих ва Сариқ-су кўчалари кесишувигача, Сариқ-су кўчаси бўйлаб Қорасарой кўчасигача, Қорасарой кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Зарқайнар берк кўчасигача, Зарқайнар берк кўчасидан Истиқлол маҳалла идораси ёни билан Абубакр Шоший кўчасигача, Абубакр Шоший кўчасидан Сағбон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

## “Гуруч Ариқ” маҳалласи чегараси тавсифи

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

Сағбон кўчаси бўйлаб ўнг томонга Кичик халқа йўли кўчасигача, Кичик халқа йўли кўчаси бўйлаб Қорасарой кўчасигача, Қорасарой кўчаси ўнг томони бўйлаб "Мўйин Халфа бобо" мақбарасининг ён томонидан Сариқ-Су кўчасигача, Сариқ-Су кўчаси бўйлаб собиқ "Чинни" заводи ҳудудининг ён томонидан Сағбон 30-берк кўчасигача, Сағбон 30-берк кўчаси бўйлаб Умид 1-тор кўчасигача, Умид 1-тор кўчасидан Сағбон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

"Тараққиёт" маҳалласи чегараси тавсифи

Тошкент халқа автомобиль йўли ва Олтинсой кўчалари кесишувидан Олтинсой кўчаси бўйлаб Гулсарой кўчасигача, Гулсарой кўчасидан ўнг томонга Қорасарой кўчасигача, Қорасарой кўчаси бўйлаб Уста Ширин кўчасигача, Уста Ширин кўчасининг бир қисмидан ўтиб Қорасарой кўчасида жойлашган "Ғойиб ота" қабристони орқа томони бўйлаб, Янги Олмазор кўчасигача, Янги Олмазор кўчасидан 3-автобус саройи ёни билан Қичқириқ каналигача, каналдан кесиб Тошкент халқа автомобиль йўли кўчасига, Тошкент халқа автомобиль йўли ва Қорасарой кўчаси кесишувигача, Қорасарой кўчаси кесишувидан Олтинсой кўчасининг бошланишигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

"Гулсарой" маҳалласи чегараси тавсифи

Қорасарой ва Гулсарой кўчалари кесишган жойдан Гулсарой кўчаси бўйлаб Қорақамиш ариғигача, Қорақамиш ариғи бўйидан қисман ўтилиб, Қорақамиш 1/4 даҳаси 24-сонли кўп қаватли турар-жой тугаланиши билан шу уй бўйлаб 18-уйгача, 18-уй ёнидан ўнг томонга 23-уй ён томонигача, 23-уй ёнидан чап томони билан 30-уй орқа томонигача, бу жойдан ўнг томонга 31 ва 32-уйлар ёни бўйлаб 2-уйгача, 2-уй оралаб 1-уй ёни билан Норазтепа кўчасигача, Норазтепа кўчадан ўнг томонга Қорасарой кўчасигача, Қорасарой кўчасидан ўнг томон бўйлаб «Қорақамиш» каналини кесиб ўтиб Гулсарой кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

"Чуқурсой" маҳалласи чегараси тавсифи

Гулсарой кўчасининг Қорақамиш 1/4 даҳаси тугалланиш қисми билан кўп қаватли 8, 9, 10, 11-уйлар ёни бўйлаб Норазтепа кўчасигача, Норазтепа

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

кўчасидан ўнг томон бўйлаб Мойқўрғон ариғигача, Мойқўрғон арикi бўйлаб 2-уй олдигача, 2-уй оралаб 52-сонли мактабгача таълим муассасасини ўзи ичига олган ҳолда ён тарафи билан 18-уйгача, 18-уй оралаб 19 ва 22-уйлар ёни билан Гулсарой кўчасигача, Гулсарой кўчани кесиб ўтиб, Қорақамиш ариғигача, Қорақамиш ариғи бўйлаб Гулсарой кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

"Ислом ота" маҳалласи чегараси тавсифи

133-сонли умумтаълим мактаби чегарасидан 1 ва 2-сонли кўп қаватли уйларни ўз ичига қамраб олган ҳолда мавзе ичидаги йўл бўйлаб 2-сонли шошилинч тез тиббий ёрдам станциясигача, 2-сонли шошилинч тез тиббий ёрдам станциясидан мавзе ичидаги йўл бўйлаб 19-сонли кўп қаватли уй ёнигача, 19-сонли кўп қаватли уйни айланиб ўтиб Қорақамиш 1/2 мавзесидаги 233-сонли умумтаълим мактабигача, 233-сонли умумтаълим мактабининг ўнг томон чегараси бўйлаб Қорақамиш 1/2 мавзесидаги автотураргоҳгача, автотураргоҳни ўз ичига қамраб олган ҳолда Қичқириқ каналигача, канал бўйлаб Қорақамиш ариғи туташган жойгача, Қорақамиш ариғи бўйлаб Гулсарой кўчасигача, Гулсарой кўчасидан Олтинсой кўчасигача, Олтинсой кўчаси бўйлаб Қорақамиш 1/2 мавзесидаги 133-сонли умумтаълим мактабини ўз ичига қамраб олган ҳудуд билан чегараланади.

"Олтинсой" маҳалласи чегараси тавсифи

Олтинсой кўчаси ва Қичқириқ ариғи кесишган жойдан Қичқириқ ариғи бўйлаб Қорақамиш 1/2 даҳасида жойлашган 233-сонли мактабгача, 233-сонли мактабдан мактаб чегараси бўйлаб 18 ва 19-уйлар ёни билан ўнг томонга 2-тез ёрдам подстанциясигача, Қорақамиш 1/2 даҳасида жойлашган подстациядан 423-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 423-сонли мактабгача таълим муассасасидан 27-уй бўйлаб Олтинсой кўчасигача, Олтинсой кўчаси бўйлаб Қичқириқ ариғигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

"Қичқириқ" маҳалласи чегараси тавсифи

Қичқириқ ариғи ва Тараққиёт кўчаси кесишган жойдан Тараққиёт кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасидан Қорақамиш ариғигача,

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

Қорақамиш ариғи бўйлаб Қичқириқ ариғи билан туташган жойгача, Қичқириқ ариғи билан туташган жойдан Қичқириқ ариғи бўйлаб Тараққиёт кўчаси билан кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ғани Аъзамов” маҳалласи чегараси тавсифи

Олтинсой ва Кичик халқа йўли кесишган жойдан Кичик халқа йўли бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб ўнгга Тараққиёт кўчасигача, Тараққиёт кўчаси бўйлаб Қичқириқ ариғи туташган жойгача ва Қичқириқ ариғи бўйлаб Кичик халқа йўлидаги 10-сонли автомобиллар тўхташ жойигача, бу жойдан пастга Кичик халқа йўли 19-уй манзилидаги 1-сонли Сил касалликлари шифохонасини ўз ичига олган ҳолда Кичик халқа йўлигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ачаобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Фаробий кўчасида манзилида жойлашган “Чиғатой” қабристони орқа томони бўйлаб, Намуна кўчасигача, Намуна кўчадан Намуна кўчасида жойлашган 224-сонли мактаб ёни бўйлаб Умид кўчаси 16-уй манзилидаги Тошкент қурилиш коллежининг орқа томонигача, бу жойдан ўнг томон бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасидан чап томонга Сағбон 10-тор кўчасигача, Сағбон 10-тор кўчаси бўйлаб “Сағбон” қабристонини ўз ичига олган ҳолда қабристон чегараси бўйлаб, Сағбон тор кўчасигача, бу кўчадан Сағбон 30-берк кўчасигача, Сағбон 30-берк кўчаси бўйлаб Тарих тор кўчасигача, Тарих тор кўчасидан чап томон бўйлаб Сариқ-су тор кўчасигача, Сариқ-су тор кўча бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасидан ўнг томонга Омонат кўчасигача, Омонат кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасидаги Чиғатой қабристони орқа томонигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

“Гузарбоши” маҳалласи чегараси тавсифи

Сағбон кўчаси “Гузарбоши” маҳалла идораси ёнидан чап томон билан Калкавуз каналигача, Калкавуз канали бўйлаб чап томондан Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчаси бўйлаб 111-мактабгача, 111-мактаб ва Фаробий кўчаси манзилидаги “Чиғатой” қабристони ораси бўйлаб Омонат кўчасигача, Омонат кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб чап томондаги Сариқ-су тор кўчасигача, шу кўча бўйлаб ўнг томон билан Тарих

тор кўчасигача, Тарих тор кўчаси бўйлаб Қўштут кўчасигача, Қўштут кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб чап томондаги Сағбон кўчаси ва Хуррият тор кўчалари манзилидаги “Гузарбоши” маҳалласи идорасини қамраб олган ҳудуд билан чегараланади.

“Қўштут” маҳалласи чегараси тавсифи

Сағбон ва Фаробий кўчалари кесишган жойдан Фаробий кўчаси бўйлаб Калкавуз канали туташган жойгача, Калкавуз канали бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб ўнг томон билан Фаробий кўчаси билан туташган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Эски шаҳар” маҳалласи чегараси тавсифи

Сақичмон ва Беруний кўчалари кесишувидан Беруний кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Лангар кўчасигача, Лангар кўчаси бўйлаб Кўктош тор кўчасигача, Кўктош кўчаси бўйлаб Фаробий 5-берк кўчасигача, Фаробий 5-берк кўчаси бўйлаб Фаробий 8-берк кўчасигача, Фаробий 8-берк кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчасидан ўнг томон бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасидан ўнг томонга Сақичмон кўчасигача, Сақичмон кўчаси бўйлаб Беруний кўчаси билан туташган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Чустий” маҳалласи чегараси тавсифи

Лангар ва Беруний кўчалари кесишган жойдан Беруний кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Чиғатой Дарвоза кўчасигача, Чиғатой Дарвоза кўчасидан ўнг томондаги Қўрғонтепа тор кўчасигача, Қўрғонтепа кўчаси бўйлаб Беруний Б-1 даҳасида жойлашган 298-мактаб олди билан 60-сонли кўп қаватли турар-жой биносигача, 60-сонли кўп қаватли турар-жой биносидан 59-сонли кўп қаватли турар-жой биноси ёни билан Лангар кўчасигача, Лангар кўчасидан ўнг томон бўйлаб Беруний кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Чиғатой Дарвоза” маҳалласи чегараси тавсифи

Лангар 1-тор кўчаси бўйлаб кўп қаватли 59-уйгача, 59-уй бўйлаб 60-уй ёни билан Беруний Б-1 даҳасида жойлашган 298-мактаб олдигача, мактаб

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

олди билан Чиғатой Дарвоза кўчасига чиқилиб, бу кўчадан ўнг томон бўйлаб Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчасидан Нурафшон кўчаси билан кесишган чорраҳадан ўтиб Фаробий кўчаси бўйлаб Лангар 1-тор кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Қуёш” маҳалласи чегараси тавсифи

Чиғатой Дарвоза ва Беруний кўчалари кесишувидан Беруний кўчаси бўйлаб ўнг томондан Кичик халқа йўлидаги электр станциягача, электр станция ва 4-уй орқа томони бўйлаб 3-уй орқа томонигача, 3-уй орқа томонидан ўнг томон бўйлаб Мустаҳкамлаш кўчасигача, Мустаҳкамлаш кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасида жойлашган “Аллон” масжидигача, “Аллон” масжиди бўйлаб Оҳакчи кўчасигача, Оҳакчи кўчаси бўйлаб Дуторчи кўчасигача, Дуторчи кўчаси бўйлаб Чиғатой Дарвоза кўчасигача, Чиғатой Дарвоза кўчаси бўйлаб Беруний чорраҳасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Орзу” маҳалласи чегараси тавсифи

Кичик халқа йўли кўчасидаги электр станцияни ўз ичига олган ҳолда Беруний кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўли билан кесишган чорраҳагача, чорраҳадан Беруний кўчаси бўйлаб Фаробий кўчаси билан кесишган чорраҳагача, бу жойдан Фаробий кўчаси бўйлаб ўнг томон билан Кичик халқа йўлини кесиб 5-уй олдигача, ўнг томонга 5-уй орқа томони бўйлаб 6,7, 2, 3, 4-уйларни ўз ичига олган ҳолда Кичик халқа йўли кўчасидаги электр станциясининг орқа томони бўйлаб Беруний кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Аллон” маҳалласи чегараси тавсифи

Кичик халқа йўли кўчаси 3-сонли кўп қаватли турар-жой биносининг орқа томонидан бошлаб Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчасидан чапга ва Кичик халқа йўли кўчаси кесишган чорраҳасигача, чорраҳадан Кичик халқа йўли кўчаси бўйлаб ўнг томон билан Чимбой кўчаси билан кесишган жойгача, бу жойдан Чимбой кўчаси бўйлаб ўнг томон билан Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчаси бўйлаб Чиғатой Дарвоза кўчасигача, шу кўча бўйлаб ўнг томондаги Дуторчи кўчасигача, Дуторчи кўчаси бўйлаб Оҳакчи

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

кўчаси билан кесишган жойгача, Оҳакчи кўчаси бўйлаб “Аллон” масжидигача, Фаробий ва Мустаҳкамлаш кўчалари манзилидаги “Аллон” масжиди ва Мустаҳкамлаш кўчаси бўйлаб Калкавуз каналигача, канал бўйлаб Кичик халқа йўли 3-сонли кўп қаватли турар-жой биноси орқа томонигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Университет” маҳалласи чегараси тавсифи

Кичик халқа йўли ва Фаробий кўчалари кесишган жойдан Фаробий кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб кўчасигача, Мирзо Ғолиб кўчаси бўйлаб Университет кўчасигача, Университет кўчаси 2-уйда жойлашган Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника Университети ҳудудини бир қисмини ўз ичига олган ҳолда ўнг томон бўйлаб Ўзбекистон Миллий Университети ён томони билан чап томонга Университет кўчаси бўйлаб Талабалар кўчасигача, Талабалар кўчасидан Кичик халқа йўли билан кесишган чорраҳагача, бу чорраҳадан ўнг томонга Кичик халқа йўли бўйлаб Фаробий кўчаси билан кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Зиё” маҳалласи чегараси тавсифи

Мирзо Ғолиб кўчаси 1-уйда жойлашган Политехника касб-ҳунар коллежи ёнидан Мирзо Ғолиб кўчаси бўйлаб Қамарнисо кўчасигача, бу кўчадан ўнг томон билан Мухбир кўчасигача, бу кўчадан чап томондаги Қорақамиш кўчасигача, Қорақамиш кўчаси бўйлаб Шифонур кўчаси билан кесишган жойгача, Шифонур кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўли кўчасигача, Кичик халқа йўли кўчасидан ўнг томон билан Чимбой ва Талабалар кўчаси билан кесишган чорраҳагача, Чимбой ва Талабалар кўчаси билан кесишган чорраҳадан ўнг томонга Талабалар кўчаси бўйлаб чап томондаги Университет кўчасигача, Университет кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Чимбой” маҳалласи чегараси тавсифи

Чимбой кўчаси 1-уйда жойлашган “Имом Бухорий” масжидини ўз ичига олган ҳолда унинг ёнидан Чимбой кўчаси бўйлаб Кичик халқа йўли кўчасигача, ўнг томон билан Кичик халқа йўли кўчаси бўйлаб Шифонур

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

кўчасигача, Шифонур кўчаси бўйлаб Қорақамиш кўчаси билан кесишган чорраҳагача, ўнг томонга Қорақамиш кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчасидан ўнг томон бўйлаб Сағбон 2-насос стансиясигача, 2-насос станцияси ёни билан ўнг томон бўйлаб Умид кўчасигача, Умид кўчаси 16-уйда жойлашган Тошкент Миллий ижодий қурилиш коллежини ўз ичига олган ҳолда коллежнинг ёни томони бўйлаб Намуна кўчасигача, Намуна кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасида жойлашган “Чиғатой” қабристонигача, “Чиғатой” қабристони ёни бўйлаб Омонат ҳамда Намуна тор кўчалари ёни билан Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчасидан ўнг томонга Чимбой кўчаси билан туташган жойгача ва чапга Чимбой кўчаси 1-уйда жойлашган “Имом Бухорий” масжидигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Бўстонобод” маҳалласи чегараси тавсифи

Сағбон ва Қорақамиш кўчалари кесишган жойдан Қорақамиш кўчаси бўйлаб Шифонур кўчаси билан туташган чорраҳагача, бу жойдан ўнг томонга Қорақамиш 2/1 даҳаси оралаб Қорақамиш 2/1 даҳасида жойлашган 4-сонли автотураргоҳ ёни билан Дамариқ ариғигача, Дамариқ ариғи бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Қорақамиш кўчаси бошланишигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Истиқбол” маҳалласи чегараси тавсифи

Шифонур ва Қорақамиш кўчалари кесишган жойдан Қорақамиш кўчаси бўйлаб Қорақамиш-1 кўчасигача, Қорақамиш-1 кўчаси бўйлаб Дамариқ ариғигача, Дамариқ ариғи бўйлаб Қорақамиш 2/1 даҳасида жойлашган 191-сонли мактабни ўз ичига олган ҳолда Қорақамиш 2/1 даҳасидаги 4-автотураргоҳ ёнидан Қорақамиш 2/1 даҳаси оралаб, Қорақамиш ва Шифонур кўчалари кесишган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Пахта” маҳалласи чегараси тавсифи

Дамариқ ариғи ва Қорақамиш-1 кўчаси кесишган жойдан Қорақамиш-1 кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Қорақамиш-2 кўчасигача, Қорақамиш-2 кўчасидан чапга Қорақамиш кўчаси манзилидаги “Саид ота” қабристони орқа томони бўйлаб Парвариш кўчасигача, Парвариш кўчасидан

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

ўнг томондаги Парвариш 1-тор кўчасигача, Парвариш 1-тор кўчаси бўйлаб Сағбон кўчасигача, Сағбон кўчаси бўйлаб Норазтепа кўчаси билан туташган жойгача, Сағбон кўчаси ва Норазтепа кўчаси туташган жойдан Норазтепа кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Қорақамиш 1/4 даҳаси ёни билан Гулсарой кўчасини кесиб ўтиб Қорақамиш ариғигача, Қорақамиш ариғи бўйлаб Дамариқ ариғигача, Дамариқ ариғи бўйлаб Қорақамиш-1 кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Янги Тошкент” маҳалласи чегараси тавсифи

Сағбон кўчасидан Парвариш 1-берк кўчаси бўйлаб, Парвариш кўчасигача, Парвариш кўчасидан Қорақамиш кўчаси, 1-уйда жойлашган “Саид ота” қабристони ёни бўйлаб Қорақамиш 2/3 даҳаси 1-уй орқа томонигача, 1-уй орқа томони бўйлаб Парвариш 3-тор кўчасигача, Парвариш 3-тор кўчаси бўйлаб Қорақамиш 2/3 даҳасида жойлашган 219-сонли мактаб орқа томонларидан ўтиб Келес йўли 4-тор кўчасигача, Келес йўли 4-тор кўчасидан Келес йўли 5-тор кўчасигача, Келес йўли 5-тор кўчаси бўйлаб Келес йўли кўчасигача, Келес йўли кўчасини кесиб ўтиб Сағбон Дарвоза кўчаси бўйлаб Сағбон Оқтепа 5-кўчасигача, Сағбон Оқтепа 5-кўчаси бўйлаб Сағбон Оқтепа кўчасигача, Сағбон Оқтепа кўчасидан Норазтепа 2-тор кўчасигача, Норазтепа 2-тор кўчасидан Норазтепа кўчасигача, Норазтепа кўчаси бўйлаб Сағбон ва Келес йўли кўчалари кесишган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Умид” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш ва Қорақамиш-1 кўчалари кесишувидан Қорақамиш-1 кўчаси бўйлаб Қорақамиш-3 кўчасигача, Қорақамиш-3 кўчаси бўйлаб Қорақамиш 2/3 даҳасининг 29, 30, 31-уйларни ўз ичига олиб, Келес йўли кўчаси 182-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига олиб, девори бўйича Келес йўли 4-тор кўчаси бўйлаб 219-сонли мактабни ўз ичига олиб, мактаб деворлари бўйлаб Парвариш 3-тор кўчасигача, Парвариш 3-тор кўчасидан чап томонга Мирзамир кўчаси ёни бўйлаб Қорақамиш кўчаси 1-уй манзилидаги “Саид ота” қабристонигача, қабристон ёни бўйлаб Қорақамиш-2 кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

“Мойариқ” маҳалласи чегараси тавсифи

Мойқўрғон ариғи ва Остона кўчалари туташган жойдан Остона кўчаси бўйлаб Уфқ кўчасигача, Уфқ кўчасидан Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўли Келес айланма кўпригини бир қисмини ўз ичига олган ҳолда ўнг томонга Келес йўли кўчаси бўйлаб Мойқўрғон ариғигача, ўнг томон билан Мойқўрғон ариғи бўйлаб Остона кўчасининг бошланишигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ниҳол” маҳалласи чегараси тавсифи

Мойқўрғон ариғи ва Кошона кўчаси кесишган жойдан Кошона кўчаси бўйлаб Хушҳаво кўчасигача, Хушҳаво кўчасидан Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўлидан ўнг томон бўйлаб Уфқ кўчасигача, Уфқ кўчаси бўйлаб Остона кўчасигача, Остона кўчаси бўйлаб пастга томон Мойқўрғон ариғигача, Мойқўрғон ариғи бўйлаб Кошона кўчаси бошланиш қисмигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ғалаба” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган 234-сонли мактаб ёнидан Қорақамиш 3-кўчаси бўйлаб Бешқўрғон кўчасигача, бу кўчадан ўнг томон бўйлаб Мойқўрғон ариғигача, Мойқўрғон ариғи бўйлаб Қорақамиш-1 кўчасигача, Қорақамиш-1 кўчасидан кўп қаватли 45а ва 46а-уйлари оралиғи бўйлаб чап томон билан 2а-уй олдигача, 2а-уй олдидан ўнг томони билан 36-уй ёни бўйлаб, 7-автотураргоҳ олдигача, 7-автотураргоҳ ўнг томон билан Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган 242-сонли мактабни ўз ичига олган ҳолда ва Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган 234-сонли мактаблар оралаб бўйлаб Қорақамиш-3 кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Тепагузар” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш-2 кўчаси ва Бешқўрғон кўчалари кесишган чорраҳадан Бешқўрғон кўчаси бўйлаб Қорақамиш-3 кўчасигача, Қорақамиш-3 кўчасидан

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

ўнг томон Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган 234-сонли мактабгача, 234-сони мактабни ўз ичига олган ҳолда Қорақамиш-2/4 даҳасида жойлашган 242-сонли мактаб оралаб Қорақамиш 2/4 даҳасида жойлашган 7-сонли автотураргоҳ бўйлаб ўнг томон билан кўп қаватли 41-уй ёни бўйлаб Қорақамиш-2/4 даҳасида жойлашган 478-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 478-сонли мактабгача таълим муассасаси ёни бўйлаб Қорақамиш-2 кўчасигача, Қорақамиш-2 кўчасидан ўнг томон бўйлаб Бешкўрғон кўчаси бошигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Табассум” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш-1 ва Қорақамиш-2 кўчалари кесишган жойдан Қорақамиш-2 кўчаси бўйлаб ўнг томондаги кўп қаватли 28-уйгача, 28 ва 4-уйлар ораси бўйлаб 41-уйгача, 41-уй олди томони бўйлаб 39-уй орқа томонидан ўтиб 2а-уй олдигача, 2а-уйдан чап томон бўйлаб 45а-уйгача, 45а-уй орқа томони бўйлаб Қорақамиш-1 кўчасигача, Қорақамиш-1 кўчасидан ўнг томон бўйлаб Қорақамиш-2 кўчаси билан туташган чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Шодиёна” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш-1 ва Қорақамиш кўчалари кесишган айланма чорраҳадан Қорақамиш кўчаси бўйлаб Мухбир кўчасигача, Мухбир кўчасидан ўнг томон бўйлаб Чимбой кўчасигача, бу кўча бўйлаб Қорақамиш-2 кўчасигача, Қорақамиш-2 кўчасидан ўнг томонга Қорақамиш-1 кўчасигача, Қорақамиш-1 кўчаси бўйлаб Қорақамиш кўчаси билан кесишган айланма чорраҳагача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Олимпия” маҳалласи чегараси тавсифи

Мухбир ва «Қорақамиш» канали кесишган жойдан «Қорақамиш» канали бўйлаб “Аҳмаджон Қори” масжидини ўз ичига олган ҳолда орқа тарафи билан Қамарнисо кўчасида жойлашган 9-сонли авторураргоҳгача, 9-сонли авторураргоҳдан канал бўйлаб Олимпия даҳасида жойлашган 278-сонли мактабгача, мактаб ёнидан ўнг томонга канал бўйи билан Бешкўрғон 3-мавзесигача, Бешкўрғон 3-мавзесидан Дамариқ канали бўйлаб Талабалар



ОЛМАЗОР ТУМАНИ

кўчасигача, Талабалар кўчаси бўйлаб пастга «Қорақамиш» каналигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Шон-шуҳрат” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш-4 ва Бешқўрғон кўчалари кесишган жойдан, Бешқўрғон кўчаси бўйлаб 299-сонли мактабгача таълим муассасасигача, Бешқўрғон кўчасида жойлашган 299-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига олган ҳолда унинг чегараси бўйлаб, ўнг тарафдаги кичик кўча бўйлаб, Бешқўрғон 1-даҳасидаги кўп қаватли 15-уй олдигача, 15-уй олдидан Қорақамиш-3 кўчасигача, Қорақамиш-3 кўчаси бўйлаб, Қорақамиш-4 кўчасигача, Қорақамиш-4 кўчаси бўйлаб Бешқўрғон кўчаси билан кесишган жойгача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Юқори Бешқўрғон” маҳалласи чегараси тавсифи

Бешқўрғон даҳасида жойлашган 134-сонли мактаб ёнидан Бешқўрғон кўчаси бўйлаб чап томондаги Бешқўрғон даҳасида жойлашган 65-сонли мактабгача таълим муассасасигача, 65-сонли мактабгача таълим муассасасини ўзига олган ҳолда ён чегараси бўйлаб 28-уй орқа томони билан Дамариқ каналигача, канал бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўли бўйлаб ўнг томондаги Хушҳаво кўчасигача, Хушҳаво кўчаси бўйлаб Кошона кўчасигача, Кошона кўчаси бўйлаб Қорақамиш-3 кўчасигача, Қорақамиш-3 кўчасидан ўнг томон бўйлаб Бешқўрғон 1-даҳаси ёни билан кўп қаватли 15-уй олдигача, 15-уй олдидан чап томон бўйлаб Бешқўрғон даҳасида жойлашган 299-сонли мактабгача таълим муассасаси ёни билан Бешқўрғон кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мустақиллик” маҳалласи чегараси тавсифи

Чимбой кўчаси ва Дамариқ канали кесишган жойдан Дамариқ канали бўйлаб Бешқўрғон 2-даҳаси кўп қаватли 5-уй олдигача, 5-уй ёни билан Бешқўрғон кўчасида жойлашган 535-сонли мактабгача таълим муассасасини ўз ичига олган ҳолда ёни бўйлаб 11-уй олдигача, 11-уйдан тепага 5-сонли автотураргоҳ ёнигача, 5-сонли автотураргоҳ чап томони бўйлаб Бешқўрғон даҳасида жойлашган 134-сонли мактабгача, мактаб оралаб 65-сонли

Олмазор тумани

мактабгача таълим муассасаси ёни билан Бешқўрғон кўчасигача, Бешқўрғон кўчасидан ўнг томон бўйлаб Қорақамиш-4 кўчасигача, Қорақамиш-4 кўчаси бўйлаб Дамариқ каналигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Ёшлик” маҳалласи чегараси тавсифи

Қорақамиш-2 кўчаси қисмидан Дамариқ канали бўйлаб Бешқўрғон 3-даҳаси кўп қаватли 21 ва 22-уйлар олдигача, 21 ва 22-уйлар бўйлаб ўнг томон билан 27-уй ёнигача, 27-уйдан ўнг томон билан 11-уй олдигача, 11-уй олдидан 8-уйгача, 6-уй ёни бўйлаб Дамариқ каналигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Чаманбоғ” маҳалласи чегараси тавсифи

Бешқўрғон 3-даҳаси кўп қаватли 31-уй ёнидан Дамариқ канали бўйлаб Бешқўрғон 3-даҳаси 2, 3, 4-уйлар бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, бу йўлдан Дамариқ канали чап томон бўйлаб кўп қаватли 32-уй олдигача, 32-уй олдидан 34 ва 28-уй орқа томонлари бўйлаб 134-сонли мактабгача, мактаб олдидан ўнг томон билан 30 ва 31-уйлар ёни билан Дамариқ каналигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Жийдали” маҳалласи чегараси тавсифи

Шифокорлар даҳаси кўп қаватли 17-уй ёнидан Қамарнисо кўчаси бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўли бўйлаб Қорақамиш-2 кўчасигача, Дамариқ канали бўйлаб Бешқўрғон 3-даҳасигача, 2, 3, 4- уйлар орқа томони бўйлаб ўнг томон билан «Қорақамиш» каналигача, канал бўйлаб Шифокорлар даҳаси 17-уй олдигача, 17-уй олдидан Қамарнисо кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Шифокорлар” маҳалласи чегараси тавсифи

Шифокор ва Фаробий кўчалари кесишган жойдан Фаробий кўчаси бўйлаб Тошкент халқа автомобиль йўлигача, Тошкент халқа автомобиль йўли бўйлаб Қамарнисо кўчасигача, Қамарнисо кўчаси бўйлаб ўнг томондаги Шифокорлар-2 кўчасигача, Шифокорлар-2 кўчаси бўйлаб Шифокор

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

кўчасигача, Шифокор кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Хислат” маҳалласи чегараси тавсифи

Шифокорлар ва Шифокорлар-2 кўчалари кесишган жойдан Шифокорлар-2 кўчаси бўйлаб Қамарнисо кўчасигача, Қамарнисо кўчасидан ўнг томон бўйлаб Шифокор кўчасигача, Шифокорлар кўчаси бўйлаб чап томондаги Нозимахоним кўчасигача, Нозимахоним кўчаси бўйлаб Чиғатой Оқтепа 16-тор кўчасигача, Чиғатой Оқтепа 16-тор кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасигача, Мирзо Ғолиб 3-тор кўчаси бўйлаб Шифокорлар кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Беруний” маҳалласи чегараси тавсифи

Нозимахоним ва Шифокор кўчалари кесишган жойдан Шифокор кўчаси бўйлаб Қамарнисо кўчасигача, Қамарнисо кўчаси бўйлаб «Қорақамиш» канали ёни билан Тупроқшунослик агрохимия институти ёнидан ўтиб орқа томони билан Нозимахоним тор кўчасигача, Нозимахоним тор кўчасидан Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасигача, Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасидан Чиғатой Оқтепа кўчасигача, Чиғатой Оқтепа кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб 3-тор кўчаси бўйлаб Нозимахоним 7-тор кўчасигача, Нозимахоним 7-тор кўчасидан Нозимахоним кўчасигача, Нозимахоним кўчасидан чап томон билан Шифокор кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

“Мирзо Ғолиб” маҳалласи чегараси тавсифи

Қамарнисо кўчаси 83-уй ёнидан «Қорақамиш» канали бўйигача, Канал бўйлаб Чимбой ва Қамаринисо кўчалари кесишувигача, Чимбой ва Қамаринисо кўчалари кесишувидан орқа томонга Қамарнисо кўчаси бўйлаб чап томондаги Мирзо Ғолиб кўчасигача, Мирзо Ғолиб кўчаси бўйлаб Фаробий кўчасигача, Фаробий кўчасидан ўнг томон билан Чиғатой Оқтепа кўчасигача, Чиғатой Оқтепа кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасигача, Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасидан чап томон бўйлаб Нозимахоним 1-тор кўчасигача, Нозимахоним 1-тор кўчаси бўйлаб Политехника коллежини ўз

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

ичига олган ҳолда коллеж орқа томони бўйлаб Қамарнисо кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

### “Чиғатой Оқтепа” маҳалласи чегараси тавсифи

Чиғатой Оқтепа ва Фаробий кўчалари кесишувидан Фаробий кўчаси бўйлаб Шифокорлар кўчасигача, Шифокорлар кўчаси бўйлаб Мирзо Ғолиб 3-тор кўчасигача, Мирзо Ғолиб 3-тор кўчаси бўйлаб Чиғатой Оқтепа кўчасигача, Чиғатой Оқтепа кўчасидан Фаробий кўчасигача бўлган ҳудуд билан чегараланади.

ОЛМАЗОР ТУМАНИ